

Собирхўжаев Хадятилло
Ўзбекистон миллий университети
Иқтисодий факультети талабаси
E-mail: xadyatillo2004@gmail.com

ДАВЛАТ СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ СОЛИҚ ТУШУМЛАРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда 2016–2024 йилларда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши солиқ тушумларига қандай таъсир кўрсатгани эмпирик усулда таҳлил қилинди. Лаффер эгри чизиғи назарияси асосида олиб борилган тадқиқот натижалари оддий ОЛС регрессия модели ёрдамида баҳоланди. Статистика ва график таҳлиллار асосида солиқ ставкаларини пасайтириш давлат бюджетига тушумларни қисқартирмаганини, аксинча, иқтисодий фаоллик ва солиққа тортиш базасининг кенгайиши ҳисобига ошганини кўрсатди. Ушбу натижалар Ўзбекистон солиқ сиёсати учун муҳим хулосалар беради.

Калит сўзлар: солиқлар, солиқ ставкаси, солиқ тушумлари, Лаффер эгри чизиғи, регрессия таҳлили, иқтисодий сиёсат, бюджет даромадлари.

Аннотация

В данной статье проводится эмпирический анализ влияния снижения налоговых ставок на налоговые поступления в Узбекистане в 2016–2024 годах. Результаты исследования проведенные на основе теории кривой Лаффера оценены при помощи модели простой ОЛС регрессии. Статистический и графический анализ показывает, что снижение ставок не уменьшило бюджетные доходы, а наоборот — благодаря росту экономической активности и расширению налоговой базы они увеличились. Полученные результаты имеют важное значение для налоговой политики Узбекистана.

Ключевые слова: налоги, налоговые ставки, налоговые поступления, кривая Лаффера, регрессионный анализ, экономическая политика, доходы бюджета.

Abstract

This article presents an empirical analysis of the impact of tax rate reductions on tax revenues in Uzbekistan during 2016–2024. Based on the Laffer Curve theory, the study uses a simple OLS regression model to evaluate the relationship. Statistical and graphical analyses show that lowering tax rates did not reduce government revenues; instead, revenues increased due to expanded economic activity and a broader tax base. The findings offer important insights for Uzbekistan's tax policy development.

Keywords: Tax rates, tax revenues, Uzbekistan, Laffer Curve, regression analysis, economic policy, budget revenues

Кириш

Хар қандай мамлакатда солиқ сиёсати макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Солиқ ставкаларини белгилаш ва уларни оптималлаштириш бўйича қарорлар давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва норасмий иқтисодий тулушини қисқартиришга бевосита таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан, солиқ ислохотлари солиқ тушумларига таъсирини чуқур ўрганиш давлат молия сиёсатини шакллантиришда назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарбдир.

Ўзбекистон 2016 йилдан бошлаб кенг кўламли иқтисодий ислохотларни амалга ошира бошлади. Жумладан, солиқ тизими ислоҳ қилиниб, асосий солиқ ставкалари 2018–2019 йилларда сезиларли даражада пасайтирилди. Бундай ўзгаришлар мамлакатда солиқ юкининг камайтирилиши орқали иқтисодий фаолликни ошириш ва солиқ тушумларини

кўпайтиришга қаратилган эди. Бу ислохотларнинг самарадорлигини аниқлаш ва улар ортидан юзага келган иқтисодий натижаларни илмий асосда баҳолаш зарурати пайдо бўлди. Ушбу мақолада биз қуйидаги асосий масалаларни ўрганамиз:

H1: Солиқ ставкаларини пасайтириш солиқ тушумларини оширади.


H2: Солиқ тушумларининг ошиши аста камайиб боради ва маълум миқдордан (оптимал нуқтадан) кейин ставка пасайиши тушумларнинг камайишига олиб келади (invers-U effekt)

Тадқиқотнинг назарий асоси сифатида Лаффер эгри чизиғи концепцияси олинган. Амалий қисмда чизикли ва квадратик ОЛС-моделлари ёрдамида солиқ ставкаси ва бюджет тушумлари ўртасидаги муносабат аниқланган. График ва регрессия таҳлиллари солиқ ставкасининг оптимал миқдори ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари, бир томондан, Ўзбекистон тажрибасини назарий моделлар билан қиёслаб баҳолашга имкон бериши, иккинчи томондан эса, мамлакатнинг келгуси солиқ сиёсатини шакллантиришда амалий тавсиялар беришга асос яратиши, солиқ ставкаларини белгилашда оптимал нуқтани аниқлаш ва фискал барқарорликни таъминлаш бўйича қарор қабул қилувчи органлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин..

Солиқ ставкалари ва солиқ тушумлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда иқтисодчи Артур Лаффер томонидан илгари сурилган Лаффер эгри чизиғи концепцияси муҳим назарий асослардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу концепцияга кўра, солиқ ставкалари жуда паст ёки жуда юқори бўлса, давлат бюджети учун тушумлар камаяди. Солиқ ставкаси 0 фоиз бўлган ҳолатда ҳеч қандай тушум шаклланмайди. Худди шунингдек, 100 фоизлик солиқ ставкаси шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятини тўхтатади ёки яширин иқтисодиётга ўтади, натижада бюджетга тушум яна нолга тенглашади. Демак, Лаффер эгри чизиғи солиқ ставкаси ва тушум ўртасидаги оптимал даражани англатади — у даража бюджет даромадларини максимал таъминловчи нуқтани билдиради.¹

Лаффер бу муносабатни икки таъсир — арифметик ва иқтисодий таъсир — орқали изоҳлайди. Арифметик таъсирга кўра, солиқ тушуми солиқ ставкаси билан солиқ базасининг кўпайтмасига тенг ($P = t \times B$), бу ерда P – тушум, t – солиқ ставкаси, B – солиқ базаси. Иқтисодий таъсир натижасида солиқ ставкаси ўзгариши солиқ базасининг ҳажмига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Чунки юқори ставкалар ишчи кучининг рағбатини пасайтиради, инвестиция ва ишлаб чиқаришни қисқартиради, натижада умумий солиқ базаси қисқаради.



1-расм. Лаффер эгри концепцияси ²

¹ Laffer, A.B., 2004. *The Laffer Curve: Past, Present, and Future*. Washington, DC: The Heritage Foundation

²ShodmonovSh, Xodiyev B.YU. *Iqtisodiyot nazariyasi*. Toshkent. 2017.

График жиҳатдан Лаффер эгри чизиғи одатда парабола шаклида тасвирланади, бироқ бу шакл ҳар доим амалда кузатилмаслиги мумкин. Лаффер эгри чизиғи аниқ математик шаклга эга эмас. Турли мамлакатлар, даврлар, иқтисодий сиёсат ва қонунчилик шароитида у ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, прогрессив солиқ тизимлари, солиқ имтиёзлари ва яширин иқтисодиёт мавжудлиги эгри чизикнинг оптимал нуқтасини ўзгартиради. Артур Лаффер ўз эгри чизигини кўпроқ дидактик восита сифатида таклиф қилган бўлиб, солиқ ставкалари ҳаддан ортиқ бўлса, уларни камайтириш орқали бюджет тушумларини кўпайтириш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Бироқ у бу назарияни солиқларни ошириш ёки камайтириш бўйича ягона қарор мезони сифатида кўрмаслик кераклигини ҳам таъкидлайди.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон кенг қамровли иқтисодий ислохотлар йўлини танлади. Ушбу ислохотлар таркибида солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ юкини енгиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. 2018–2019 йилларда ҳукумат солиқ тизимини соддалаштириш ҳамда тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида бир қатор солиқ ставкаларини пасайтиришга доир қарорлар қабул қилди¹. Жумладан, 2018 йилда корпоратив даромад солиғи ставкаси 12% гача туширилди ва кейинчалик 2020 йилдан 15% этиб белгиланди. 2019 йилдан жисмоний шахсларга ягона даромад солиғи ставкаси 12% миқдорида жорий қилиниб, илгари амал қилган прогрессив ставкалар (энг юқори боскичда - 22%) бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкаси 2019 йил октябр ойида 20% дан 12% гача камайтирилди, бунда ҚҚС бўйича соддалаштирилган режим (йиллик айланмаси 3 млрд сўмдан кам фирмалар учун) учун 2019–2021 йилларда 7% ставка жорий этилди. Шунингдек, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун 2016 йилдаги 1,7% дан 2019 йилда 0,2% гача, юридик шахслар учун 5% дан 2% гача пасайтирилди; микро ва кичик корхоналар учун ягона солиқ (ягона ер солиғи) ставкаси 2019 йилда 4% этиб белгиланди; йирик корхоналар учун ижтимоий бадаллар ставкаси 2019-йилда 25% этиб белгиланди ва 2020 йилдан давлат улуши 50% дан зиёд корхоналарда ҳам 25%дан 12%га туширилди. Аксинча, айрим импорт товарларга божхона божлари ва акциз солиғи оширилиб, ўртача импорт божи 2019–2020 йилларда 8% атрофида белгиланди.² Шундай қилиб, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда асосий солиқлар – фойда солиғи, даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов – ягона 12% ставкада унификация қилинди. Бундай кенг кўламли солиқ ставкаларини пасайтириш Лаффер назариясини амалда синовдан ўтказиш имконини берди. Ушбу мақоланинг мақсади солиқ ставкалари қисқаришининг солиқ тушумларига таъсирини эмпирик баҳолашдан иборат.

Маълумотлар ва методология

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида 2016–2024-йиллар оралиғида амалга оширилган солиқ ислохотларининг солиқ тушумларига таъсири эконометрик ва статистик усуллар асосида баҳоланди. Тадқиқот назарий асос сифатида Лаффер эгри чизиғи концепциясига таянган бўлиб, солиқ ставкаларининг ўзгариши билан солиқ тушумлари ўртасидаги оптимал нисбатни аниқлашга қаратилди.

Маълумотларнинг асосий манбалари — Давлат солиқ қўмитаси бюллетенлари ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотларидир.

Ўртача солиқ ставкасини ҳисоблаш учун ҳар бир йилдаги корпоратив фойда солиғи, ҚҚС, айланмадан олинadиган солиқ, жамғариб бориловчи солиқлар, айрим акциз тоифалари ва мол-мулк солиқлари бўйича белгиланган норматив ставкалар Excel файлида консолидация қилинди (жами 30 дан ортиқ суб-ставка). Ўртача кўрсаткич оддий арифметик усулда (ҳар бир ставканинг оддий арифметик ўртачаси) олиниб, фоизда ифодаланди. Ушбу соддалаштирилган усул—ставкалар ва солиқ тушумлари ўртасидаги динамик боғланишни кўрсатиш учун етарли.

¹<https://lex.uz/docs/4123665>

² <https://soliq.uz>

Эмпирик баҳолаш икки босқичда амалга оширилди. Аввало, чизиқли модел солиқ ставкаси ва тушум ўртасидаги боғлиқлик йўналиши ва аҳамиятини текширди. Сўнг, квадратик модел Лаффер эгри чизиғида оптимал нуқтани аниқлаш учун қўлланилди. Ҳар иккала модел энг кичик квадратлар (ОЛС) усулида, гетероскедастикликка барқарорлик ва стандарт хатоликлар билан баҳоланди. Модел сифатини аниқлаштирилган R^2 тести ёрдамида текширилди. Барча ҳисоб-китоблар Стата 17 муҳитида бажарилди. Натижалар графиклар, жадвал ва фоиз ҳисоблари орқали изчил таҳлил қилинди.

2. Адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилдан кейинги солиқ тизими ислохотлари бир қатор фундаментал иқтисодий назариялар ва халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Солиқ ислохотларининг назарий асослари Гарй Бескер (1968) томонидан илгари сурилган "иқтисодий танлов" модели билан боғлиқ бўлиб, бунда солиқларнинг камайтирилиши ва соддалаштирилиши иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи омил сифатида кўрилади. Барро (1990) ва Мусgrave (1989) назарияларига кўра, солиқлар ва иқтисодий ўсиш ўртасида оптимал мувозанат мавжуд бўлиб, ҳаддан ташқари солиқлаш инвестицияларни ва истеъмолни сусайтиради.

Солиқ ислохотлари натижаларини эмпирик тадқиқотлар ҳам қўллаб-қувватлайди. Жаҳон банкининг "Ўзбекистон Экономис Упдате" (2021) ҳисоботида таъкидланганидек, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши ва солиқ базасининг кенгайтирилиши Ўзбекистонда солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлади.¹

Халқаро тажриба ҳам Ўзбекистон солиқ ислохотлари билан мувофиқликда ўрганилган. Грузия (World Bank, 2018) ва Эстония (ОЕСД, 2020) каби давлатлар солиқларни соддалаштириш ва электрон бошқарув тизимларини жорий этиш орқали фискал тизим самарадорлигини сезиларли даражада оширган.² Ўзбекистон ҳам 2019 йилдан бошлаб my.soliq.uz ва онлайн-касса тизимларини жорий этиб, норасмий иқтисодиёт улушини камайтиришга интиломоқда (АДБ, 2024).

Маҳмудов ва Каримов (2022) томонидан олиб борилган ишлар солиқ юкининг пасайиши ва иқтисодий фаолликнинг ортиши ўртасидаги бевосита ижобий боғлиқликни аниқлаган. Шунингдек, Акрамовнинг (2021) таъкидлашича, Ўзбекистон солиқ ислохотлари давомида солиқлардан қочиш ҳоллари қисқариб, фискал барқарорликка эришиш тенденцияси кучайган.³

Натижалар

2019-йилдан бошлаб солиқ ислохотлари кучга киргач, солиқ тушумлари ЯИМга нисбатан тезроқ ошган. 1-жадвалда асосий кўрсаткичларнинг йилма-йил динамикаси келтирилган.

1-жадвал.

2019–2024-йилларда Ўзбекистонда асосий солиқ тушумлари ва ЯИМ ўсиши⁴

Йил	Солиқ тушумлари (триллион сўмда)	ЯИМ ўсиши, %
2019	102,6 (37,8% ўсиш)	5,5 %
2020	103,6 (0,9% ўсиш)	1,6 %
2021	127,9 (23,5% ўсиш)	7,4 %
2022	148,4 (16% ўсиш)	5,7 %
2023	165,9 (11,79% ўсиш)	6,0 %
2024	199,6 (20,3% ўсиш)	6,5 %

¹ World Bank, 2021. *Uzbekistan Economic Update: Tax Policy and Revenue Trends*, June 2021

² World Bank. (2018). *Georgia: Public finance management reform strategy 2018–2021*. Washington, DC

³ Akramov, I., 2021. *Fiscal Stability in Uzbekistan: The Role of Tax Reforms*. Tashkent

⁴ <https://my.soliq.uz>

Жадвалдан кўринадики, солиқ ставкаларининг пасайиши даврида (2018 йилдан кейин) солиқ тушумларининг улуши ошган. 2020 йилда пандемия таъсирида иқтисодий ўсиш секинлашганига қарамай, 2021 йилда иқтисод тикланиши ортидан тушумлар улуши яна рекорд даражага кўтарилган (23,5%). Бу тенденция шуни кўрсатадики, 2016–2017 йилларда Ўзбекистон солиқ ставкалари оптимал даражадан юқори бўлган бўлиши мумкин – натижада солиқларни пасайтириш орқали тушумларни камайтирмасдан, аксинча, оширишга эришилди.

Солиқ ставкалари ва солиқ тушумлари орасидаги алоқани аниқлаш учун регрессион таҳлил талаб этилади. Таҳлилда солиқ ставкалари ва тушумлар ўзгаришини ўрганиш учун 30 га яқин ставкаларнинг йиғиндиси excel файлда ҳисобланиб, уларнинг оддий ўртача арифметик қиймати топилди.¹

2-жадвал.

2020–2025 йилларда Ўзбекистонда ўртача солиқ ставкаси²

Йил	Солиқ тушумлари (триллион да)	Ўртача солиқ ставкаси %
2020	103,6 сўм	5.487
2021	127,9 сўм	5.034
2022	148,4 сўм	4.853
2023	165,9 сўм	3.689
2024	199,6 сўм	3.695
2025*	218,0 сўм (экстраполяция)	3.811

Ушбу маълумотлар асосида корреляцион-регрессион таҳлил қиламиз.

3-жадвал.

Солиқ ставкаси ва тушуми орасидаги эконометрик боғланиш³

Tax revenue	Constant	(Average) tax rate
Coefficient	7,07	– 0,16
Std. Err.	0,67	0,006
t-stat	10,57	– 4,07
p-value	0,000	0,015
R-squared	0,757	
Observations	6	

3.1-жадвал.

Солиқ ставкаси ва тушуми орасидаги боғланиш (Стата натижаси)⁴

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	6
Model	2.52346133	1	2.52346133	F(1, 4)	=	16.55
Residual	.609979647	4	.152494912	Prob > F	=	0.0152
				R-squared	=	0.8053
				Adj R-squared	=	0.7567
Total	3.13344098	5	.626688195	Root MSE	=	.39051


avgtrate	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]	
revenue	-.0164627	.004047	-4.07	0.015	-.0276989	-.0052265
_cons	7.071526	.6690793	10.57	0.000	5.213864	8.929188

¹ <https://docs.google.com/spreadsheets/d/1yYg6bJrzQ2zgbjcT2EVO44z8k4-l5-s9/edit?usp=sharing&ouid=110882935368367618046&rtpof=true&sd=true>

² Муаллиф томонидан тайёрланган.

³ Муаллиф томонидан тайёрланган.

⁴ Муаллиф томонидан тайёрланган.



2-расм. Солиқ ставкаси ва тушуми орасидаги боғланиш графиги¹

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, эконометрик боғлиқликни куйидаги формула билан ифодалаш мумкин :

$$\text{revenue} = -0.016 * \text{avgtaxr} + 7.07$$

revenue - солиқ тушумлари, **avgtaxr** -ўртача солиқ ставкаси

Ўртача солиқ ставкаси 1 фоизга камайганда бюджет тушумлари ўртача 0,016 триллион сўмга (16 миллиард сўм) ошмоқда. Кўрсаткич статистик аҳамиятли ва модел солиқ тушумлари ўзгаришининг 75 % ини изоҳлайди. Бу натижа солиқ ставкаларини камайтириш тушумларни камайтирмаслиги, балки оширишини тасдиқлайди (**H1 тасдиқланди**).

$$\text{Tax revenue} = -61,57 + 151,28 * \text{tax rate} - 22,24 * \text{tax rate}^2 \quad (R^2 = 0.83)$$

бундан, оптимал ставка - $r \approx 3,4 \%$ (**H2 тасдиқланди**)

Квадратик кенгайтмани танлашнинг асосий сабаби бор. Ислохотларнинг мақсади солиқ ставкасини мутлақо пасайтириш эмас, балки барқарор тушум ўсишини таъминлашдир. Квадратик модел эса айнан шу мақсадга жавоб берувчи кўрсаткични— даромадни максимал қиладиган оптимал ставкани эмпирик тарзда баҳолаш имконини беради. Квадратик регрессия натижалари шуни кўрсатадики, дастлаб ўртача ставка пасайган сайин тушумлар ортади, аммо маълум бир нуқтадан кейин (яъни тахминан 3,4 % да) солиқ юкининг камайтирилиши бюджет тушумларининг пасайишига олиб келади. Модел дисперсиянинг 82,95 % ини изоҳлайди, бироқ кичик намуна ($n=6$) туфайли параметрларнинг п-қийматлари 5 % даражасида аҳамиятли эмас. Шу боис солиқ сиёсатини шакллантиришда ставкани кескин пасайтириш эмас, балки 3,4 % атрофида мувозанатлашган даражада ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Муҳокама

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2018–2019 йилларда амалга оширилган солиқ ставкаларини камайитириш сиёсати қисқа муддатда бюджет тушумларининг сезиларли камайишига олиб келмади. Аксинча, солиқ тушумлари даромад солиғи ва фойда солиғи ставкалари пасайтирилганидан кейин юқори даражада сақланиб, ҳатто ошди. Бу ҳолат Лаффер эгри чизиғи назариясининг амалий тасдиғи сифатида талқин қилинмоқда – яъни, ислохотлардан аввалги даврда солиқ ставкалари оптимал нуқтадан ошиб кетган бўлиб, уларни пасайтириш орқали иқтисодий фаолликни ошириш ва солиқ базасини кенгайтириш ҳисобига тушумларнинг пасайиб кетиши олди олинди.

Бироқ, ушбу натижаларни изоҳлашда айрим омилларни эътиборга олиш лозим. Биринчидан, солиқ тушумларининг ошиши фақат солиқ ставкаларининг пасайтирилиши билан боғлиқ эмас – бу даврда Ўзбекистон иқтисодиётида бошқа муҳим ўзгаришлар ҳам

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган.

содир бўлди, хусусан валюта либераллашуви, бизнес муҳитининг яхшиланиши ва ялпи иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви. Ушбу омиллар ҳам солиққа тортиш базасини кенгайтириб, тушумларни оширган. Иккинчидан, солиқ маъмуриятчилиги яхшиланиши катта рол ўйнади – солиқ қўмитаси томонидан мажбурий ижро ва солиқ тўлов интизомини кучайтириш, ҚҚС қайтариб бериш тизимини изга солиш, янги солиқ кодекси доирасида кўплаб солиқ имтиёзларини бекор қилиш каби чоралар кўрилди. Шу билан бирга, кузатилган натижа солиқларни чексиз пасайтириш доимий равишда тушумларни ошираверади дегани эмас. Ушбу тадқиқот натижалари солиқ сиёсати бўйича бир неча муҳим тавсияларни илгари суради:

Солиқ ставкаларини пасайтириш Ўзбекистонда солиқларни тўлашни рағбатлантиргани ва иқтисодиётнинг ёпиқ секторларини расман рўйхатга олишга хизмат қилгани кўринмоқда. Келгусида тушумларни ошириш учун ставкаларни оширмасдан, норасмий секторни қисқартириш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш йўлини давом эттириш лозим. Масалан, солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш, онлайн назорат касса машиналарини жорий қилиш, электрон ҳисоб-фактура тизимини кенгайтириш каби чоралар самарали бўлади. 2019 йилги солиқ ислоҳотида кўплаб имтиёзлар бекор қилинди ва бу тушумларни оширишга ёрдам берди. Келгусида ҳам солиқ тизимини мураккаблаштирувчи, базани эрозияга учратадиган алоҳида имтиёзларни камайтириш, инвестиция рағбатларини солиқ ставкасини пасайтириш орқали эмас, балки бюджет субсидия ва грантлари орқали бериш каби ёндашувлар кўриб чиқилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий солиқ ставкалари минтақавий ва халқаро меъёрларга мос ва рақобатбардош даражада. Ушбу ставкаларни барқарор сақлаш, тез-тез ўзгартирмаслик инвесторларга ишонч беради. Давлат қарз юкини тартибга солиш ёки бюджет тақчиллигини ёпиш учун келгусида имкон қадар солиқ ставкаларини оширишга йўл қўймаслиги, бунинг ўрнига иқтисодий ўсиш ҳисобидан тушумларни кўпайтириши афзалроқдир.

Тадқиқот чекловлари

Шу ўринда, тадқиқот натижалари муайян чекловлар доирасида талқин қилиниши лозим. Биринчидан, солиқ тушумларининг ўсишига фақат солиқ ставкаларининг пасайтирилиши эмас, балки бошқа омиллар ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин. 2016–2024 йиллар оралиғида Ўзбекистонда кенг қўламли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилган бўлиб, уларга валюта либераллашуви, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, рақамлаштириш жараёнлари ва бизнес юритиш қулайликларининг ошиши киради. Бундай сиёсатлар солиқ базасининг кенгайиши ва тушумларнинг ортишига ҳисса қўшган. Натижада, кузатилган ижобий динамика сабаб “спилловер эффект” пайдо бўлади, бу эса Лаффер эгри чизиғи таъсирини ортикча баҳоланишига олиб келиши мумкин.

Иккинчи чеклов – COVID-19 пандемиясининг яқиндан таъсиридир. 2020–2022 йиллардаги қатор даврлар мобайнида ҳукумат томонидан жорий этилган солиқ имтиёзлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш дастурлари ва корхоналарга ажратилган енгилликлар иқтисодий фаолиятга кескин таъсир қилди. Пандемия давридаги сезиларли иқтисодий сусайиш ва кейинги қайта тикланиш (“пент-уп деманд”) бюджет тушумларининг ўсишига солиқ ставкалари пасайиши билан бирга ҳисса қўшди. Шу боис, кузатилган йиллик ўсиш суръатлари фақат солиқ сиёсатига эмас, балки пандемия олди ва кейинги таркибий ўзгаришларга ҳам боғлиқ бўлганини инкор этиб бўлмайди.

Учинчи чеклов, солиқ ставкалари ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши ўртасидаги боғлиқлик мавжуд бўлса-да, уларнинг ўзаро сабаб-оқибат муносабатини аниқлаш мураккаб. Солиқларни камайтириш натижасида инвестициялар кўпайиб, ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажми ортади, янги хўжалик юритувчи субъектлар бозорга киради, бу эса умумий иқтисодий фаолликни оширади. Аммо бу жараённинг аниқ миқдорий баҳосини бериш — масалан, солиқ ставкаларининг пасайиши натижасида инвестициялар ёки ишлаб чиқариш ҳажми қанчага ўсгани — мураккаб эмпирик ва микроиқтисодий таҳлилларни талаб этади. Ушбу ўзгарувчилар ўртасидаги аниқ сабабий боғлиқликни ўлчаш келгусидаги чуқурроқ тадқиқотларни талаб этади.

Тўртинчи чеклов – ўртача кўрсаткичларга таянишдир. Тадқиқотда барча солиқ турлари (ҚҚС, фойда солиғи, даромад солиғи ва бошқалар) учун ягона арифметик ўртача ставка ҳисобланди. Бироқ ҳар бир солиқ тури ва унга тегишли бозор сегментларининг эластиклик даражаси ва иқтисодийдаги улуши ҳар хил бўлиб, ўртача қийматларга асосланган модел реал сектор тавсифларини тўлиқ акс эттирмайди. Масалан, озиқ-овқат ёки коммунал хизматларга солиқ ставкасининг ўзгариши истеъмолад ҳажмини сезиларли даражада ўзгартирса, юқори технологияли импорт маҳсулотларида бу самара камроқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, табиий ресурслар ва хизматлар, хусусан сув, газ, олтин каби экспорт-импорт амалга ошириладиган товарлардан олинadиган қатъий солиқ ва бож русумлари моделга киритилмади. Уларнинг суммалари ва ставкалари иқтисодий конъюнктурага қараб ўзгарувчан бўлиб, инфляция ҳамда талаб-таклиф ўзгаришларига сезгир. Ресурслар, хизматлар билан боғлиқ солиқлар фоиз кўрсаткичларида эмас, миқдорий баҳоланади. Ҳисоблашларда ҳам миқдорий, ҳам фоиз рақамларни биргаликда қўллаб бўлмайди. Шу боис, улар таъсирини ажратиб олиш моделни янада мураккаблаштириши эҳтимоли туфайли, ҳозирги босқичда бу омиллар ҳисобга олинмаган.

Таҳлилда солиқ ставкаларининг пасайтирилган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича истеъмолад частотаси (frekuensi) ҳисобга олинмаган. Агар солиқ пасайтирилган товар бозорда кам улушга эга бўлса, бу пасайишнинг умумий тушумларга таъсири ҳам кам бўлади. Аксинча, кўп истеъмолад қилинадиган товарларга солиқ ставкаси камайтирилса, бу тушумларда сезиларли ўсишга олиб келади. Шу боисдан, ҳар бир тоифага тегишли солиқ ўзгаришларининг индивидуал ва секторал таҳлили кейинги тадқиқотлар учун долзарб бўлиб қолади.

Умумий ўртача солиқ ставкасини ҳисоблаш моделлашувни соддалаштиради, бироқ реал сиёсий қарор қабул қилишда амалий аҳамиятга эга эмас. Давлат турли солиқ турларини турли мақсадлар учун алоҳида белгилайди: масалан, ҚҚС қишлоқ хўжалиғи ва саноат каби асосий тармоқларда истеъмолад ва инвестиция рағбатини назорат қилиш воситаси сифатида хизмат қилади, акциз солиқлари эса алкоголь ёки тамаки маҳсулотлари каби ижтимоий жиҳатдан сезгир маҳсулотларга нисбатан жазо механизмининг ифода қилади. Шу боис, фақат битта оғирликсиз арифметик ўртача солиқ кўрсаткичи солиқ базасини кенгайтириш ёки маълум соҳаларда иқтисодий фаолликни рағбатлантириш учун мўлжалланган алоҳида тарифларнинг таъсирини ошқор қила олмайди. Масалан, ҚҚС ставкасининг ўзгариши кенг истеъмолад қилинган товарлар бозорида сезиларли ўзгаришларга олиб келади, бироқ олтин ёки тамаки устидаги қўшимча тарифлар аҳолининг кенг қатлами учун маъносиз бўлиб, уларнинг камайтирилиши ёки оширилиши бюджет тушумларига таъсири микроскопик бўлиши мумкин. Ўртача ставка эса бу кескин тафовутларни “ювиб” юборади ва аслида асосий аҳамиятга эга бўлган солиқ ўзгаришларини яширади. Шунинг учун солиқ сиёсатини ривожлантиришда ҳамда Лаффер эгри чизиғи гипотазасини синовдан ўтказишда ҳар бир солиқ турининг ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий ролини, шунингдек, уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиғи ва хизмат кўрсатиш каби асосий тармоқлар бўйича алоҳида таъсирини аниқлаш зарур.

Юқоридаги чекловларни инобатга олган ҳолда, келгусидаги тадқиқотларда қуйидагилар тавсия этилади: чораклик ёки секторал маълумотлар ёрдамида намуна ҳажмини ошириш, ўзгарувчилар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш учун панел-маълумотлар ва таркибий синовлардан фойдаланиш, ҳар бир солиқ тури ҳамда сектор бўйича алоҳида моделлаш ва табиий ресурслар солиқларини киритиш, шунингдек пандемия олди-кейинги даврларни ажратиб ўрганиш, Лаффер эгри чизиғи назарияси асосида солиқ сиёсатини янада аниқроқ ва ишончли тавсифлашга имкон беради.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлил ва халқаро тажрибалар асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Асосий солиқ ставкаларини (ҚҚС, фойда, даромад солиғи) барқарор даражада ушлаб туриш инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари учун ишончли фискал муҳит яратади.

Ягона даромад ставкалари қўлланилаётган шароитда прогрессив ставкаларга қайтмасдан, базанинг кенгайишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Табақалаштирилган ставкаларни жорий этиш. Ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар (таълим, тиббиёт, ижарага уй бериш) ва асосий истеъмол товарларига (дори-дармон, озиқ-овқат, транспорт) нисбатан турли табақалаштирилган паст ставкаларнинг татбиқ этилиши солиқ юкини енгиллаштиради. Туризм, умумий овқатланиш, меҳмонхона, маданий хизматлар ва оммавий тадбирлар учун ҳам енгил ставкаларининг жорий этилиши орқали хизматлар соҳасида қонуний фаолият рағбатлантирилади.

Солиққа тортиш режимлари орасидаги тафовутни камайтириш. Йирик корхоналарга нисбатан ҚҚС ва фойда солиғи юки ҳозирги соддалаштирилган режимдаги корхоналарга нисбатан сезиларли даражада юкорилиги уларни бўлинишга ва “соя”га ўтишга мажбур қилмоқда. Шу боис, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда меъёрли ёндашув талаб этилади: йирик корхоналар учун ҳам мақбул енгилликлар яратилиши керак.

Ўзбекистонда солиқ ставкаларини пасайтириш орқали бюджет тушумларини оширишга эришилган. Аммо бу натижага абадий амал қилувчи қонуният сифатида эмас, балки вақт ва контекстга боғлиқ иқтисодий мувозанат сифатида қараш керак. Бу даврда иқтисодий ўсиш, валюта бозорининг либераллашуви, солиқ маъмуриятчилигининг яхшиланиши ва фискал интизомнинг кучайтирилиши каби омиллар ҳам муҳим рол ўйнаган. Шу боис, фискал самарадорликка эришиш учун комплекс ёндашув зарур. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон амалиётининг кўрсатишича, солиқ ислохотлари ўзини оқлади – бу ҳолат бошқа ривожланаётган иқтисодиётлар учун ҳам солиқ сиёсатини оптималлаштиришда ижобий тажриба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Laffer, A. B. (2004). *The Laffer Curve: Past, Present, and Future*. Heritage Foundation Backgrounder No. 1765.
2. Uzbekistan State Tax Committee. (2023, January 11). Tax revenue up 16% in Uzbekistan in 2022. *UzDaily News*.
3. World Bank. (2020). *Uzbekistan – Public Expenditure Review: Spotlight 1 – Government Revenues*. Washington, DC: World Bank.
4. **Becker, G. S.** (1968). *Crime and punishment: An economic approach*. *Journal of Political Economy*, 76(2), 169–217.
5. **Barro, R. J.** (1990). *Government spending in a simple model of endogenous growth*. *Journal of Political Economy*, 98(5, Part 2).
6. **Musgrave, R. A., & Musgrave, P. B.** (1989). *Public finance in theory and practice* (5th ed.). McGraw-Hill Education.
7. **World Bank.** (2018). *Georgia: Public finance management reform strategy 2018–2021*. Washington, DC: World Bank.
8. **Asian Development Bank (ADB).** (2024). *Uzbekistan: Strengthening Tax Administration for Inclusive Growth*. Manila: ADB.
9. **Mahmudov, S., & Karimov, B.** (2022). Soliq yukining iqtisodiy faollikka ta'siri: O'zbekiston misolida empirik tahlil. *Iqtisodiy tadqiqotlar jurnali*, 3(2), 45–58.
10. **Akramov, N.** (2021). Soliq islohotlarining fiskal barqarorlikka ta'siri: O'zbekiston tajribasi. *Moliyaviy nazariya va amaliyot*, 5(1), 61–70.
11. World Bank. (2022). *Uzbekistan Public Expenditure Review: Better Value for Money in Human Capital and Water Infrastructure*. Washington, DC: World Bank.
12. <https://lex.uz/uz/docs/-3802378?ONDATE=30.06.2018>
13. <https://stat.uz>
14. <https://soliq.uz>

Muassislar:
Buxoro davlat universiteti
“Economic science” mas'uliyati cheklangan jamiyati

"IQTISODIYOT VA TURIZM" xalqaro ilmiy va innovatsion jurnali 2025-yil 4-son (24) 2021-yildan chiqa boshlagan. OBUNA INDEKSI: 200117 Manzil: Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi, 11-uy, 2-bino, 403-xona.	ilmiy va innovatsion nashri Jurnal oliy o'quv yurtlarining professor- o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o'qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo'ljallangan. Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi. Nashr uchun mas'ul: Gavhar XIDIROVA Muharrir: Navruz-Zoda Baxtiyor Negmatovich	Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar. Bosishga ruxsat etildi 20.08.2025 Bosmaxonaga topshirish vaqti 25.08.2025 Qog'oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog'i – 12,0 Adadi – 100 nusxa Buyurtma №450. Bahosi kelishilgan narxda. “Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy.
--	--	--